

# TAFAKKUR

## ZIYOSI

*ilmiy-uslubiy jurnal*  
*Тафаккур зиёси 4/2020*

10

ТАҚВИМ: 21 ОКТАБРЬ -  
ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ  
КУНИ

29

ПЕДАГОГИКА ВА  
ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ

67

ИЖТИМОЙ  
ФАНЛАР

88

ФИЛОЛОГИЯ  
ФАНЛАРИ

139

ТАБИЙ ВА АНИҚ  
ФАНЛАРИ

159

ЁШ  
ТАДҚИҚОДЧИ



# МУНДАРИЖА

## ТАХРИРИЯТ МИНБАРИ

<b>Ш.С.Шарипов, Т.А.Ахмедов</b> - Мурожаатнома: йил сарҳисоби ва вазифалар.....4	
<b>Ғ.Ў.Қодиров</b> - Жиззах воҳаси ёшларининг ютуқлари учинчи ренессанс пойдевори сифатида.....8	

## ТАКВИМ: 21 ОКТАБРЬ - ЎЗБЕК ТИЛИ БАЙРАМИ КУНИ

<b>Қ.Йўлдошев, У.Қосимов</b> — Тил - миллат қўргони.....10	
<b>А.Маматов.</b> — Фразеологик бирликлар ва турғун бирикмалар деривацияси тадқиқи.....13	
<b>О.Тожибоева</b> — "Хамса" ҳикоятларининг илк талқинлари.....16	
<b>У.Ҳамдам, Ш.Дониярова</b> — Адабиёт - инсониятнинг ботиний тарихи.....20	
<b>А. Мусаев</b> — Ўзбек сўзлашув нутқида диалог ва тартиб.....26	

## ПЕДАГОГИКА ВА ПЕДАГОГИК ИННОВАЦИЯ

<b>Х.К.Зойиров, Ў.Худойназарова</b> — Таълим оловчилар график тайёргарлигининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш механизмлари.....29	
<b>У.М.Фармонов</b> — Олий таълим тизимида ўқитишнинг инновацион технологиялари татбиқи.....31	
<b>N.Khanturayev</b> — The role of national action and movement games in the physical development of primary school-age children.....34	
<b>Ravinder Gargesh, Sh.Doniyorova</b> — English language education at the SECONDARY LEVEL in INDIA.....37	
<b>К.Б.Муротмусаев, С.Б.Джураева</b> — Яқка машғулотларда қар болалар нутқини ўстириш технологияси.....40	
<b>Б.А.Бўрибоев, А.Т.Ҳасанов</b> — Таълим жараёнида жисмоний тарбия ўқитувчиларининг касбий тайёргарлигини ошириш омиллари.....42	
<b>А.Маҳамматов, Ў.Тўғуллов</b> — Ўқувчиларга миллий қолғу асбоблари тарихини ўргатиш йўллари.....45	
<b>Б.Миркомиллов</b> — "Мона Лиза" картинаси - ўйғониш даври рамзи.....49	
<b>Қ.Бобоқуллов</b> — Мусиқий таълимнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясидаги аҳамияти.....52	
<b>Д.Х.Эрийгитов</b> — Жисмоний маданият бўйича мутахассисларни тайёрлашда масофавий таълимдан фойдаланиш муоммолари ва ечимлари.....54	
<b>А.Қаюмов</b> — Ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишнинг айрим дидактик жиҳатлари.....57	
<b>С.З.Рахимов</b> — Бошланғич таълим йўналиши талабаларини ўқитишда мультимедиа воситаларидан фойдаланиш усуллари.....60	
<b>Ж.А.Самадов</b> — Операцион спорт маркетинги ишига тавсиф.....62	

## ПСИХОЛОГИЯ ВА ИНКЛЮЗИВ ТАЪЛИМ

<b>Ғ.А.Рафиев</b> — Самоорганизация учебной деятельности как психологический фактор развития профессиональной компетенции студента.....65	
---	--

## ИЖТИМОЙ ФАНЛАР

<b>М.Н.Сайидов, Ф.Маматқуллов</b> — Юсуф Хос Ҳожиб қарашларида қонун, тартиб ва ҳавфсизлик масалалари.....67	
<b>М.Хандамова</b> — Абу Райҳон Беруний асарларида илмлар таснифи.....70	
<b>Б.Э.Тошбоев</b> — Шахс ижтимоий ва маънавий қиёфаси.....73	
<b>Ш.У.Ахророва</b> — Ижтимоий сиёсатда мақсад ва гоёнинг қадриятлашуви.....76	
<b>Р.Р.Рустамов</b> — Замонавий, маънавий тарғибот тизимининг асосий хусусиятлари.....79	
<b>Қ.А.Қадиров</b> — Олий таълимда талабаларнинг маънавий-ахлоқий маданиятини шакллантириш мезонлари ва модели.....82	
<b>А.Шоназаров</b> — Абу Абдуллоҳ Фирабрийнинг ҳаёти ва илмий фаолияти.....85	

## ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<b>Б.Умурзоқов</b> — Алий Сафий Кошифий Ҳиравийнинг бадиий маҳорати ("Рашаҳот" асари мисолида).....88	
<b>Ю.Каримова</b> — Пиримқул Қодировнинг бадиий тасвирлаш маҳорати.....91	
<b>Ж.Жўраев, О.Мамиров</b> — Комёб ижодида Яссавийлик гоёлари.....94	
<b>М.Р.Маматқуллов</b> — Сайқалининг "Баҳром ва Гуландом"дostonида муболага санъати.....96	
<b>У.Пирназаров</b> — Некоторые вопросы ударения заимствованных слов в русском языке.....99	
<b>А.Б.Рахмонов</b> — Специфика, функции и организация самообразования будущих учителей русского языка.....102	
<b>З.Д.Пардаева</b> — Ўзбек "Аёллар насри": талқин, таҳлил, муносабат.....105	
<b>М.Турсунпўлатов, Д.Турсунпўлатов</b> — Ойқор тоғи оронимлари.....109	
<b>А.Жабборова</b> — Фразеологик бирликларнинг коннотатив семалари таҳлили.....112	
<b>Д.Н.Файзуллаева, Б.Файзуллаев</b> — Достонлар тилига хосланган маданий лексик бирликлар лингвопоэтикаси.....114	

# ЯККА МАШГУЛОТЛАРДА КАР БОЛАЛАР НУТҚИНИ ЎСТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Муротмусаев Комилжон Бўрибоевич - т.ф.н., Жиззах давлат педагогика институти  
Джураева Соҳиба Барат қизи - магистрант, Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация:** Эшитиш анализатори инсон ҳаётида муҳим аҳамиятга эга, чунки оғзаки нутқнинг идрок этилишида ушбу анализатор энг муҳим омилдир. Мақолада кар болалар нутқини якка машғулотларда ўстириш бўйича коррекцион ишлар тизими, машғулот босқичларини ташкил этиш кетма-кетлиги, коррекцион ишлар самарадорлигини оширишга қаратилган ўйинлар ҳамда сурдопедагогларга тавсиялар келтирилган.

**Калит сўзлар:** кар болалар, якка машғулотлар, нутқ ўстириш, коррекцион ишлар, эшитиш анализатори.

**Аннотация:** Слуховой анализатор важен в жизни человека, потому что это важнейший фактор восприятия устной речи. В статье представлена система коррекционной работы по развитию речи у глухих детей на индивидуальных занятиях, последовательность этапов обучения, игры направленные на повышение эффективности коррекционной работы, а также рекомендации для глухих воспитателей.

**Ключевые слова:** глухие дети, индивидуальные занятия, развитие речи, коррекционная работа, слуховой анализатор.

**Annotation:** The auditory analyzer is important in human life because it is the most important factor in the perception of oral speech. The article describes a system of correctional works on the development of speech in deaf children in individual lessons, the sequence of stages of training, games aimed at improving the effectiveness of correctional works, and recommendations for deaf educators.

**Key words:** deaf children, individual lessons, speech development, correctional works, hearing analyzer.

Нутқ - олий нерв фаолиятининг иккинчи сигнал тизими бўлиб, билиш фаолиятлари билан чамбарчас боғланган ҳолатда ақлий ривожланишнинг асосини ташкил қилади. У руҳий фаолиятнинг таркиб топиши, ақлий жараёнларнинг шаклланиши ва боланинг баркамол бўлиб ўсишига катта таъсир кўрсатади.

Эрта ривожланиш даврида эшитиш қобилиятининг бузилиши, нутқнинг нормал ривожланишдан четга чиқишга ҳамда, боланинг мустақил бўлиш имкониятига тўсқинлик қилади. Кар болалар нутқини шакллантириш сурдопедагогика фани муаммоларидан бири бўлиб, бугунги кунда ҳам ушбу муаммо устида тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бола нутқининг тўлақонли ривожланиши нормал эшитиш фаолиятига узвий боғлиқдир. Шунинг учун, катталар тўғри нутқий алоқа муҳитини яратишда, адабий тил меъёрларидан четга чиқмаслиги ва таълим-тарбия фаолиятига алоҳида эътибор беришлари керак. Сўз мулканинг султони ҳазрати Алишер Навоий ўз асарларида нотиклик ва нутқ маданиятига оид қимматли маълумотлар келтирган. Жумладан "Тил - шунча шарафи билан нутқнинг қуролидир. Агар нутқ номаъқул бўлиб чиқса, тилнинг офатидир" ҳикмати ҳам юқорида келтирилган фикрга асосдир<sup>1</sup>. Нутқ хулқ атворни тартибга солишда ҳам катта рол ўйнайди.

Эшитиш ёрдамида бола ўз нутқини бошқалар нутқи билан таққослашни, тўғри товуш талаффузини ўзлаштиришни, тилнинг лексик ва грам-

матик тузилишини ўрганади ҳамда шу туфайли болада ўз нутқини назорат қилиш кўникмаси пайдо бўлади. Рус Сурдопедагогларидан Р.М.Боскис, А.Г. Зикеев, Т.С.Зиекова, К.Г. Коровин, М.И.Никитина, Л.П.Назарова, Т.В.Розанова, Л.И.Тигранова, хориж мутахассислари В.Вайсс, К.Леймитс, О.Периер каби олимлар сурдопедагогика соҳасида бир қанча илмий-амалий муаммолар устида ўз тадқиқот ишларини олиб боришган. Эшитишида нуқсон бўлган бошланғич синф ўқувчиларини атрофлича ўрганган Р.М.Боскис эшитиш анализатори функциясининг нисбатан ўз бузилиши - шивирлашни идрок этиш имкониятининг чегараланиши ҳам бола нутқини меъёрда ривожланишига, бунинг оқибатида мантиқий тафаккурини шаклланишига тўсқинлик қилишини кўрсатиб ўтади.<sup>2</sup> Ўзбек сурдопедагоги Ф.У.Қодирова ўз тадқиқот ишларида Махсус таълим соҳасида эшитишида нуқсон бўлган ўқувчилар нутқини ўстириш, бошланғич синф заиф эшитувчи болалар нутқини ривожлантириш масалаларини умумий тарзда ўрганган.<sup>3</sup>

Оғзаки нутқ таълим жараёнининг бошиданок муомала воситаси сифатида шаклланади, чунки болалар атрофдагилар билан муносабатга оғзаки нутқ шаклида киришади. Карлар ҳаётида оғзаки нутқ атрофдагилар билан мулоқотга киришишида энг муҳим аҳамиятга эга эканлигини инobatга олиб, шуни айтиш керакки, кар болаларни талаффузга ўргатишнинг асосий вазифаси, оғзаки нутқнинг тушунарлилигини таъминлаб бериш демак-

<sup>1</sup> Alisher Navoiy "Mahbub ul-qulub". Toshkent: Yoshlar nashriyot uyi, 2018. - 72 b.

<sup>2</sup> Боскис Р.М., Коровин К.Г., Синяк В. А. Формирование грамматического строя языка у тугоухих учащихся. - М.: Просвещение, 1955. - 130 с.

<sup>3</sup> Qodirova F.U. Boshlang'ich sinf kar va zaif eshituvchi o'quvchilar nutqini shakllantirish.: Ped. fan. nomz. dis. avtoref... - Toshkent: TDPU, 2006. - 20 b.

дир. Дидактик тамойил асосида оддийдан мураккабга қараб машғулоти ишини бошлаш мақсадга мувофиқ. Юқори синфларда эса спесифик лугат ва маълум иборалар: товуш, бўғин, ундош, унли, баланд (секин, паст, пичирлаб) гапириш, узун (қисқа) гапириш кабиларни қўллаш самарали ҳисобланади.

Кар болалар учун мўлжалланган махсус мактаблар ўз олдига ўқувчиларни оғзаки нутқга ўргатиш, эшитиш идрокини ривожлантириш ҳамда коррекцион таълим хусусиятларини инobatга олган ҳолатда ўқитиш жараёнини амалга ошириш масаласини кўндаланг кўяди. Кар болалар нутқини фақатгина махсус услублар ёрдамида, махсус яратилган шароитда ривожлантириш мумкин. Нутқни фонетик томондан такомиллаштирилиши, кўникма ва малакаларни шакллантирилиши оғзаки нутқга яъни талаффузга ўргатиш дастурининг асосий мақсадидир. Ушбу якка машғулотида нутқий нафас, овоз, орфоэпия, сўз урғуси, талаффуз аниқлиги устида комплекс иш олиб борилади. Эшитиш қобилиятини ривожлантириш, нутқ материални эшитиш орқали идрок этишга ўргатиш махсус ташкил этилган таълим жараёнида амалга оширилади.

Кар болалар мактабида якка тартибдаги эшитиш идрокини ривожлантириш ва талаффузга ўргатиш машғулотидаги коррекцион ишлар 3 босқичда олиб борилади.

**1-босқич.** Тайёрлов даври бўлиб, тайёрлов ва биринчи синфларда қуйидаги коррекцион ишлар амалга оширилади: Аудиометр текширишлар орқали эшитиш қолдигининг ҳолатини ҳамда товуш кучайтирувчи мосламалар ёрдамида товуш кучини аниқлаш, нутқий нафас, овоз ва товуш устида ишлаш, талаффуз малакасини ҳосил қилиш;

**2-босқич.** Асосий давр бўлиб, иккинчи ва бешинчи синфларда қуйидаги коррекцион ишлар амалга оширилади: Нутқий материални эшитиш орқали қабул қилишга ўргатиш, Таниш нутқ материални фарқлашга, ибора ва матнларни таҳлил қилишга ўргатиш;

**3-босқич.** Индивидуал товушни кучайтирувчи мосламалардан фаол фойдаланиш даври бўлиб, олтинчи ва ўнинчи синфларда қуйидаги коррекцион ишлар амалга оширилади: Инновацион техникалар ёрдамида оғзаки нутқни эшитиб кўриш ва эшитиш орқали қабул қилиш малакасини ривожлантириш, матн, ибора ва сўз бирикмаларини эшитиш орқали фарқлашга ўргатиш.

Кар болаларни талаффузга ўргатиш қуйидаги кетма-кетлик асосида амалга оширилади

1. Нутқий нафас олиш устида ишлаш. Тўғри нафас олиш қобилиятини ривожлантириш, сўзларни ва қисқа ибораларни битта нафас чиқаришда талаффуз қилиш малакасини шакллантириш устида коррекцион комплекс ишлар олиб бориш.

2. Овоз устида ишлаш. Кар болалар овоз кучи устида қўпол оғишларсиз нормал баландлик ва темир ҳосил бўлгунча нутқий оҳанг малакасини шакллантириш.

3. Нутқ товушлари устида ишлаш. Товушларни тўғри талаффуз қилиш малакаларини шакллантириш, энг оддий бўғинлар ва содда сўзлар

эшитиб кўриш асосида такрорлаш қобилиятини ривожлантириш.

4. Сўз устида ишлаш. Сўзларни тўғри талаффуз қила олиш малакасини шакллантиришдан иборат. Бунда сўзларни бир-бирига қўшиб, қўшимча товушларсиз, товуш таркибини сақлаган ҳолда, урғу ва орфоэпик қоидаларга амал қилган ҳолда шакллантириш назарда тутилади.

5. Жумлалар устида ишлаш. Жумлани нормал темпда, урғуни тўғри қўйган ҳолда талаффуз қилиш малакасини шакллантиришдан иборат.

Махсус мактабларда талаффузга ўргатиш аналитик-синтетик метод асосида амалга оширилади (Ф.Ф.Рау ва Н.Ф.Слезина). Ушбу методнинг хусусияти унинг концентрик характердалиги бўлиб, у оғзаки нутқни ривожлантириш учун жумлаларни сўзларга ҳамда сўзларни товушларга бўлиб талаффуз қилиш малакаларини шакллантиришда ўзига хос ёндашувларни амалга оширади.<sup>4</sup> Педагогик жараёнда эшитиш қолдигидан кенг фойдаланган ҳолатда Махсус коррекцион машғулотида ҳафтасига 18 соат ўтилади, яъни 0-5-синфларда ҳар бир ўқувчи билан якка ҳолда 20 дақиқадан, ҳафтасига 3 марта, 6-10-синфларда эса 2-3 та бола билан кичик гуруҳлар тартибда ўтказилади. Ушбу коррекцион машғулотида ўқувчилар "Одобнома" ва "Муסיқа ва ритмика" дарслари жараёнида ёки дарсдан ташқари вақтда жалб қилинади. Машғулотнинг ярми талаффузга ўргатишга, ярми эшитиш идрокини ривожлантиришга ажратилади.<sup>5</sup>

Кар болаларни талаффузга ўргатиш икки йўл билан амалга оширилади.

**Биринчи йўл-ахборотли (махсус ўқитиш-сиз).** Ҳар қандай дарслар ва якка машғулотида ўқувчилар индивидуал овоз кучайтирувчи аппаратлардан фойдаланадилар. Оғзаки нутқни эшитув-кўрув идроки орқали тақлид қилиш асосида, материалнинг маълум қисмини эса фақат эшитув идроки ёрдамида қабул қиладилар.

**Иккинчи асосий йўл** - талаффузга махсус ўқитиш фронтал ва индивидуал машқлар шаклида амалга оширилиб, унинг мазмуни талаффуз кўникмаларини шакллантириш вази фасини белгилаб беради. Кар болалар нутқини ўстиришда нутқ техникаси дарслари ва фонетик зарядка машқлари фронтал (жамоавий) шаклда олиб борилди. Тайёрлов даврида эшитиш идрокини ривожлантириш ва талаффузга ўргатиш машғулотида сурдопедагог ҳар бир бола билан индивидуал (якка) ҳолатда ишлайди, жумладан қандай товуш захираси билан мактабга келганлиги, эшитиш фаолиятининг қолдиқ даражаси, овоз ва товушга нисбатан реакцияси текширилади. Бошланғич даврда ўқувчининг талаффуз ҳолати ҳар бир товуш мисолида текширилади. Текшириш натижалари алоҳида жадвалга қайд этиб борилади. Иш сўнггида натижалар таҳлили асосида ҳар бир ўқувчи учун талаффузга тузатиш бўйича алоҳида иш режаси тузилади ва шу режа асосида комплекс коррекцион ишлар амалга оширилади. Кар бола берилган топшириқни эшитиш орқали идрок этса, гапларни грамматик жиҳатдан тўғри тузса дастур материални ўзлаштирган ҳисобланади. Талаффузга ўргатиш машғулотида ташкил қилиш ва ўтказиш жараёни ўзига хос бўлиб, кар болалар

<sup>4</sup> Рау Ф.Ф., Слезина Н.Ф. Методика обучения глухих устной речи. М., 1976 г.

<sup>5</sup> В. Usmonova, Z. Yuldasheva Eshitishida muammosi bo'lgan bolalarni talaffuzga o'rgatish metodikasi. -T., 2014

нутқини ўстириш турли компенсатор механизмлар асосида яъни нутқ органлари ҳаракати натижасида юзага келувчи кинестетик сезгилар, эшитиш ва кўриш асосида шакллантирилади. Мисол учун эшитиш гидрокини ривожлантириш машғулотида "Нима қилиш кераклигини ўйлаб топ" методини ўтказишда дефектолог доира асбоби ва байроқчалардан фойдаланади. Методдан фойдаланиш усули куйидагича бўлиб, болалар хонада ярим доира шаклида турадилар, дефектолог ҳар бир бола қўлига иккитадан байроқчалар беради, дефектолог доирани баланд чалганда болалар қўлларини баланд кўтариб, байроқчаларни хилпиратишади. Доира паст чалинганда эса, байроқчалар пастга тушурилади. Амалиётда қўлланиладиган ушбу ўйин методи кар болалар овозни диққат билан эшитган ҳолда ҳаракат қилишга ва ҳаракат кординациясини ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари "Топ нима қичқираяпти", "Қаерда чалинди", "Қуёш ва ёмғир", "Нимани эшитяпсан" ўйинлари яқка машғулотларда эшитиш гидрокини ривожлантириш ва талаффуз малакаларини шакллантиришга қаратилган. Ушбу ўйинлардан машғулотлар жараёнида самарали фойдаланган дефектолог ижобий мақсадга йўналтирилган таълим фаолиятини амалга оширади. Ўйин методидида асосий, етакчи ролни сурдопедогог ўйнайди. У коррекцион ишларни вазифалари ва босқичларига мос равишда ўйин турини танлайди, ролларни бўлиб беради ва болаларнинг фаолиятини фаоллаштиради.

Бошланғич синф ўқувчилари билан турли хил ўйинлар олиб борилади: ашулалли, дидактик,

ҳаракатли, ижодий, сахналаштирилган ва ҳ.к. Уларнинг қай тариқа қўлланадиган коррекцион ишнинг вазифалари ва босқичи, нутқий нуқсон тузилиши, болаларнинг ёш ва индивидуал-руҳий хусусиятлари билан белгиланади. Машғулотни олиб боришда сурдопедагог кар болани барча сақланган анализаторлари бир-бирини тўлдиришига алоҳида эътибор қаратиши лозим, ҳамда материалнинг мазмуни эса кар бола индивидуал хусусиятига мос бўлиши керак. Кар болалар нутқини бойитиш, нутқни ривожлантирувчи жараённинг яхлит коррекцион-ривожлантириш тўғри ташкил қилиниши, ижобий натижаларга эришишнинг асосидир. Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш керакики, эшитиш қобилиятининг қисман бузилиши ҳам бола нутқининг меъёрда ривожланишига, унинг ижтимоий ҳаётга уйғунлашувига салбий таъсир кўрсатади. Кар болаларда оғзаки нутқни шакллантириш фақат дефектолог раҳбарлигида махсус жиҳозланган хонада амалга оширилади. Бу жараёнда дефектолог нутқий нафасни шакллантириш, модуллашга тирилган овоз кўйиш устида ишлаш, талаффузга ўргатиш, лабдан ўқиш, луғат иши ва грамматик тизимни шакллантириш каби коррекцион ишлар олиб боради. Ўқитувчи томонидан олиб бориладиган коррекцион машғулотларнинг самдорлиги ва талаффузга ўргатиш нуқсоннинг мураккаблик даражасига, боланинг ёш ва индивидуал хусусиятига, қолдиқ эшитув ва сақланган нутқ ҳамда машғулотларнинг мунтазамлиги ва ота-оналар томонидан бериладиган ёрдамга боғлиқдир.

\*\*\*\*\*

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ

Бўрибоев Бахриддин Андаевич - п.ф.н., доцент. Жиззах давлат педагогика институти  
Ҳасанов Анвар Тоҳирович - ўқитувчи, Жиззах давлат педагогика институти

**Аннотация:** Мақолада олий ўқув юртлирида жисмоний тарбия машғулотларини ташкил этишда, жисмоний тарбия бўйича мутахассисларни касбий тайёрлашнинг аҳамияти очиб берилган.  
**Калит сўзлар:** жисмоний тарбия, машқлар, мактаб, ўқувчи, жисмоний тарбия, ҳаракат, маҳорат, қобилият.

**Аннотация:** В статье раскрывается важность профессиональной подготовки специалистов по физическому воспитанию при организации занятий по физическому воспитанию в высших учебных заведениях.

**Ключевые слова:** физическое воспитание, упражнения, школа, ученик, физическое воспитание, движение, умение, способность.

**Annotation:** The article reveals the importance of professional training of physical education specialists in the organization of physical education in higher education.

**Key words:** physical education, exercises, school, student, physical education, movement, skill, ability.

Муаммонинг долзарблиги. Мамлакатимизда жисмоний маданият бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Ёш мутахассислар тайёрлаш ўқув тарбия жараё-

нининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда.

Шу билан бирга, мутахассислар тайёрлаш жараёнида айрим муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Хусусан: